

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 7/S

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/7 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

## **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Холлиев Азизбек Гўзалович*  
РОССИЯ-АМЕРИКА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XIX АСР  
БИРИНЧИ ЯРМИ) ..... 7-13
- Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли*  
ФАРҒОНА СОМОНИЙЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР ..... 14-25
- Бобожонов Шавкат Улуғбекович*  
ФЕНОМЕН БАХАУДДИНА НАКШБАНДИ В ПАЛОМНИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ НАСЕЛЕНИЯ  
БУХАРСКОГО ОАЗИСА ..... 26-31
- Raxmonqulova Masuma Mengniqulovna*  
ZARDUSHTIYLIK DINIGA OID YOZMA MANBALARNING ARXEOLOGIK MANBALARDA AKS  
ETISHI ..... 32-39
- Isarov Umidulla Isar o'g'li*  
“ILK KO'SHMANCHILAR” ATAMASI MUAMMOSI ..... 40-45
- Исламов Шарифжон Ганиджанович*  
“КЕНГАШ” ЖУРНАЛИДА СИЁСИЙ, ДИНИЙ ВА ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИНГ  
ЁРИТИЛИШИ ..... 46-54
- Фарманова Гулнара Комилевна*  
АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ РАБОТЫ И ИССЛЕДОВАНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО  
СОГДА В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ РАБОТ Г.В.ГРИГОРЬЕВА И  
А.И.ТЕРЕНОЖИНОЯТ КОДЕКСИИНА) ..... 55-64

### 8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Ablazov Nurillo Xusanboyevich*  
QURILISH KORXONALARIDA DAROMAD VA XARAJATLARNI TAN OLISHNING XALQARO  
STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ..... 65-71
- Kunduzova Kumrixon Ibragimovna*  
ONLAYN MOLIYAVIY XIZMATLARNING XUSUSIYATLARI ..... 72-79
- Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, Бабаназарова Севара Абдиназаровна*  
ИНСОН КАПИТАЛИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ  
КЎРСАТКИЧНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ ..... 80-90
- Norkochkarov Abdulaziz Ziyadullaevich*  
PRACTICAL ASPECTS OF CREATING COST ESTIMATE IN BUDGET ORGANIZATIONS ..... 91-98
- Темиров Шохрухжон Пулатхўжа ўғли*  
КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ, ДАРАЖАЛАРИ ВА БАРҚАРОРЛИГИДА  
ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА) ..... 99-108

### 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

- Raximova Dildora Abzalovna*  
GLOBAL MUAMMOLAR FALSAFASI ..... 109-114

*Искандаров Жаҳонгир Шарипович*  
ИНТУИЦИЯ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ ..... 115-121

*Hadjamuratova Matlyuba Xashimovna*  
YOSHLARNI IJTIMOYI NIMOYA QILISHNING INNOVATSION XUSUSIYATLARI ..... 122-128

### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Axmedov Oybek Saparbaevich*  
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ  
ҲОДИСАНИНГ ЎРНИ ..... 129-137

*Rasulova Gulbahor*  
AYRIS MYORDOK IJODIGA ILMIY-NAZARIY YONDASHUVLAR ..... 138-143

*Norqobilov Sanjar Rahmat o'g'li*  
KOGNITIV LINGVISTIKA FANINI TAQQOSLASHNING UMUMIY TENDENSIYALARI ..... 144-149

*Bobojonov Dilshod Jumaqul ugli, Halilova Shohista Muhammadi qizi, Umarova Maftunbonu  
Umidjanovna, Turdaliyeva Shahnoza O'ktamovna, Gulnora Xolmurodova Sattorovna*  
LINGUISTIC FEATURES OF THE MODERN NEWSPAPER LANGUAGE: ANALYSIS AND  
RESEARCH ..... 150-159

*Sodikova Bakhtigul Ibodullaevna, Berdiyev Suhrob Sobirovich, Togaev Bobur Erkin ugli, Hafizov  
Sarvar Boborajab ugli, Maxsumov Rustam Maxamadiyevich*  
CHARACTERISTICS OF THE NEO-VICTORIAN NOVEL IN THE "FRENCH LIEUTENANT'S  
WOMAN" BY JOHN FOWLES ..... 160-166

*Xolmuxamedov Baxtiyor Farxodovich*  
O'ZBEK TILIDA YARATILGAN CHAPPA (TERS) LUG'ATLAR HAQIDA ..... 167-176

### **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Тўраев Сардор Абдуҳаким ўғли*  
БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН Фойдаланиб содир  
ЭТИЛАДИГАН ТАЛОН-ТОРОЖ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК  
МАСАЛАЛАРИ ..... 177-187

### **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Kaziyeva Turg'unoy Tursunbayevna*  
MATNING GERMENEVTIK KONTSEPTSIYASI VA KOGNITIV GERMENEVTIKA ..... 188-192

*Xaydarov Azamjon Asqarovich*  
"OZIQ OVQAT TECHNOLOGIYASI YO'NALISHI" TALABALARINI UMUMIY KIMYO KURSINI O'QITILISHDA  
INTEGRATIV TAKOMILLASHTIRISHNING ILMIY METODIK ASOSLARI ..... 193-198

*Allamurodova Sabohat Ibodullayevna*  
ADABIY TA'LIM TIZIMIDA KULTUROLOGIK YONDASHUV ..... 199-204

*Gaybullaeva Yulduz Anvarovna*  
PROFESSIONAL AND AESTHETIC APPROACH TO TYPES OF WOMEN'S CLOTHING ..... 205-210

*07.00.00 – Тарих фанлари***Исламов Шарифжон Ганиджанович**  
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ходими**“КЕНГАШ” ЖУРНАЛИДА СИЁСИЙ, ДИНИЙ ВА ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИНГ  
ЎРИТИЛИШИ**

**Аннотация.** 1917 йил муваққат ҳукумат фаолияти даврида маҳаллий матбуот нашрларининг фаолияти сон ва сифат жиҳатида ортганлиги кузатилади. Большевиклар ҳокимиятни қўлга киритгандан сўнг барча маҳаллий матбуот нашрлари фаолияти тўхтатилган ва фақат расмий матбуот фаолиятига рухсат берилган. Мақола Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бош муҳаррир сифатида фаолият бошлаган “Кенгаш” журнали сонларидаги сараланган мақолалар таҳлилига қаратилган.

**Калит сўзлар:** Кенгаш, сиёсат, дин, ислоҳот, баҳс, тафсир, уламо

**Islamov Sharifjon Ganidjanovich**  
An employee of Al-Beruni Institute of Oriental Studies**COVERAGE OF POLITICAL, RELIGIOUS AND SOCIAL PROBLEMS IN "KENGASH"  
MAGAZINE**

**Abstract.** During the period of the provisional government in 1917, it is observed that the activity of local press publications increased in terms of quantity and quality. After the Bolsheviks seized power, all local press publications were suspended and only the official press was allowed to operate. The article focuses on the analysis of selected articles from the “Kengash” magazine issues where Hamza Hakimzada Niyazi started working as the editor-in-chief.

**Key words:** Kengash (Council), politics, religion, reform, debate, interpretation, ulama (literati)

**Исламов Шарифжон Ганиджанович**  
Сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни**ОСВЕЩЕНИЕ ПОЛИТИЧЕСКИХ, РЕЛИГИОЗНЫХ И СОЦИАЛЬНЫХ ПРОБЛЕМ В  
ЖУРНАЛЕ «КЕНГАШ»**

**Аннотация.** В период Временного правительства в 1917 г. наблюдается количественный и качественный рост активности местных печатных изданий. После захвата власти большевиками все издания местной прессы были приостановлены и была разрешена деятельность только официальной прессы. Статья посвящена анализу избранных статей из номеров журнала “Кенгаш”, главным редактором которого начал работать Хамза Хакимзада Ниязи.

**Ключевые слова:** Кенгаш, политика, религия, реформа, дебаты, интерпретация, улемы.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда бошланган ислохотчилик ҳаракати мустамлака ҳукумати сиёсати жавоб тарзида, миллатнинг қадриятлари, миллий-диний қадриятларини сақлаб қолиш, умуман олганда миллат сифатида мустамлака таъсирида йўқолиб кетмаслик учун қўйилган қатъий қадамлар эди. Даврнинг нисбатан мураккаблиги, расмий ҳукуматларнинг кетма-кет алмашинуви, айниқса собиқ совет ҳукумати қатағон сиёсати оқибатида миллий тарихнинг объектив ёриш янада мураккаблашган. Аксарият тадқиқотларга миллий рух берилган бўлсада, тадқиқот ишлар ва адабиётларнинг аксариятида узоқ йиллик ҳукмрон сиёсатнинг таъсири сезилиб туради. Мазкур ҳолат тадқиқотлардаги фақат расмий ҳукумат архивларига таянилиши, цензура сараловидан ўтган матбуот нашрлари билан чекланишлар шулар жумласидандир. Бироқ тадқиқот даврининг мураккаб муаммолари ва уларнинг ечими борасида маҳаллий зиёли уламоларнинг мулоҳазалари кўпроқ қўлёзма манбалар, ўша даврдаги маҳаллий матбуот нашрлари ва чоп этилмаган рисоалардан сақланиб қолган.

Мавзу доирасида тадқиқот олиб борган Стефан Дуданён [8] каби хорижлик тадқиқотчилар тадқиқот жараёнларида маҳаллий уламоларнинг нашрлари масалани атрофлича очиб беришини таъкидлайдилар.

“کنگاش” / “Кенгаш” атамаси – “Совет, шўро” каби маъноларига яқиндир. Бу каби атамалар 1917 йил “февраль инқилоби”дан сўнг кенг тарзда Туркистонда қўлланила бошлади. 1917 йилда ушбу номда Тошкентда газета ҳам нашр этилган, лекин унинг номи эски рус алифбо асосида “Кингаш” (“Совет”) тарзида ёзилган. “Кенгаш” журнали “Қўқон муаллимлар жамияти” матбуот нашри бўлган.

“Кенгаш” журнали 1917 йили Қўқон шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган. Унинг 1, 2, 3, 4 — сонлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона ва Қўқон адабиёт музейи фондларида сақланиб қолган. Журналнинг фаолияти 4-сони нашр бўлиши билан тўхтатилган.

Биринчи муҳаррири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бўлган. Иккинчи сонидан то охиригача Маҳмуд Хўжа Ризозода муҳаррирлик қилган.

Журнал саҳифаси 14.5 см х 20.5 см. Барча сонларининг ҳажми бир хил эмас. Унинг 1-2-сонлари 8 саҳифада, 3-4-сонлари 16 саҳифа ҳажмда нашр этилган.

1917 йил февраль ойида Русияда содир бўлган инқилоб, Романовлар сулоласининг тахтдан ағдалиши нафақат Русия учун, балки унинг мустамлакаси саналган халқларга ҳам ғоявий таъсир этди. Иқтисодий, ижтимоий қийинчиликларнинг барҳам топиши муқаррар эканлигига шубҳа қолмади. Айниқса, инқилоб оқибатида ҳокимиятни ўз қўлига олган муваққат ҳукуматнинг халқлар озодлиги ҳақидаги ваъдалари барча зиёлиларнинг ижодий фаолликларини оширди. “Октябрь инқилоби”га қадар бўлган жуда қисқа муддатларда оммавий матбуот нашрлари сонининг кескин ортиши ва турли мавзуларда: сиёсий, диний, ижтимоий ва илмий соҳаларда мақолалар ва баҳсли масалаларнинг кўтарилиши кузатилади.

Журналнинг бош саҳифасида қуйидаги шиорлар келтирилган: “Адолат”, “Тенглик”, “Хуррият”. Мазкур шиорлар бевосита минтақага кириб кела бошлаган социалистик ғояларнинг таъсири эканлиги шубҳасиз. Умуман, шу даврда социалистик



ғояларнинг таъсири барча сиёсий, диний соҳалар ва уларнинг чоп этган нашрларида кўзга ташланади.

“Кенгаш” журнали XX аср бошида юз берган ички зиддиятларни акс эттиради. Журналда келтирилган танқидий ёки таклиф мазмунидаги мақолалар орқали ўша давр зиёлилари ёки уламолар тараққиёт ҳақидаги янги ғояларни қандай тушуна олганлиги ва қандай муносабат билдирганлиги акс этади. Табиийки, янгиликка бўлган муносабатлар ва талқинлар ранг-баранг бўлган. Журнал мақолаларидаги йирик баҳсли масала – янги жамият ва унда исломнинг ўрни шаклан ва мазмунан қандай бўлиши ҳақидаги баҳс. Мазкур баҳслар ортида нафақат зиёлилар, қолаверса маҳаллий уламолар ҳам ижтимоий тараққиёт зарурлигини таъкидлаганликлари намоён бўлади. Журнал мақолаларида сиёсий майдонга кириб келаётган большевикларнинг дин ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги ғояларига муносабатлар акс этади.

“Кенгаш” журнали мақолаларининг аксариятидаги ислохотлар ҳақидаги тасаввур ва ғарб маданиятига, айниқса большевиклар мулк умумийлиги ва диний эътиқодларга бўлган муносабати ғояларига нисбатан ҳимояланишни, лекин “муваққат ҳукумат” билан мослашиш ҳақидаги ғояларини кўрамиз. Масалан, аксарият муаллифлар мақолалари орқали минтақа маданияти, анъаналари доирасида қайта шакланган исломий мафкурани мустаҳкамлашга чақиради. Шу сабабли биз журнал идеологиясини шартли равишда “маҳаллий-исломий” идеология дейишимиз мумкин. Албатта, табиий равишда ушбу идеология классик исломий идеологиядан фарқ қилади. Сабаби, унинг таркибида миллатнинг ўзига хос менталитети, анъаналари, урф-одатлари қоришмаси мавжуд.

“Кенгаш” журнали “муаллимлар жамияти”га қарашли бўлиб, ўз таркибида жамиятнинг мақсад ва ғояларини акс эттиради. “Муаллимлар жамияти”нинг бош мақсади – Туркистонни мустамлакадан, шу жумладан Русия таъсиридан ажратиб олиш. Янги ҳукумат (муваққат ҳукумат 1917 йил февраль октябрь) билан вақтинчалик мурса қилишдан иборат.

Журнал мақолаларида қуйидаги муаммолар ва ислохот ғояларининг баҳси кузатилади:

- Ривожланишга тўсқинлик қилувчи ижтимоий муаммолардан бири сифатида — “миллий бирлик йўқолиши”;
- кириб келаётган янги технологиялар ва ғоялар орасида “ислом шариатга зид жиҳатлар”/“бидъат”лар борасида баҳслар: эътирозлар ёки тарафдорлик;
- иқтисодий манфаатлар ёки ёт ғоялар тўқнашуви: жадидлар ва уламолар баҳси;
- исломий қадриятларга қарши ҳаракатларга ички реакциялар (асосан большевикларнинг атеистик ғояларига маҳаллий муносабат);
- янги жамиятда исломнинг ўрни борасидаги баҳслар.

Русиядаги инқилобий ҳаракат натижасида ҳукумат тепасига келган Муваққат ҳукумат вакиллари ўз ўрнини сақлаб қолиш мақсадида албатта, ҳар қандай “ялтироқ ваъдалар”ни эълон қилган. Айнан мазкур ваъдалар ҳақида бир неча ўринларда “Кенгаш” журналида келтирилади: *“Янги ҳукумат: Русияда яшайдурғон турлик миллатларга турлик хурриятлар ваъда қилуб турғонлигидан ва шул жумладан диний ва миллий масъалаларда мусулмонларга ҳам миллий ва диний хуррият ваъда қиладур...”* [3;11-б.].

Маълумки, мусулмон минтақалар, Ўрта Осиё, жумладан, Турон ўлкасида исломнинг ўрни жамиятда етакчи мавқени эгаллаган. Айниқса, оила масалаларида,

аёллар ва эркакларнинг оиладаги ўрни шаклан бўлсада эътиборга молик жиддий масала ҳисобланган. Аёлларнинг уйдан ташқарига чиққанда ёпинчиқ/паранжи билан чиқишлари ёки оилада эркак кишининг устун эканлиги узоқ йиллик таълимотлар натижасида миллат онгига сингиб кетган давр эди. Мазкур масалалар фақатгина ислом шариат қонунлари доираси билан чегараланган эди, дейиш ноўрин, бу миллий урф-одат, анъана ва миллатнинг ахлоқ-одоб каби анъанавий таълимотларининг умумий бир қоришмаси эди. Лекин уларнинг барчаси умумий ном билан ислом шариати талаби сифатида баҳоланарди.

Энди янги “ялтироқ ғоялар”дан энг зиддиятлиси – “Тенглик/Мусовот” бўлди. Мазкур шиорнинг асосий мазмуни – барча миллатлар тенглигидан иборат бўлсада, унинг иккинчи талқини оилада эркак ва аёлнинг тенглиги масаласи кўтарилди. Мазкур “янги ғоя” шариатга қарши ҳаракат тарзида баҳоланди. Кўплаб шу каби ғоя тарғиботчиларини “куфр”, “ислом динидан чиқиш”да айбланишига сабаб бўлди. Айнан мазкур зиддиятлар, ғоялар курашлари “Кенгаш” мақолаларида акс этади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий “Жума қандоқ кун” мақоласи “Кенгаш” журналининг илк сонларида нашр этилганлиги боис катта эътибор билан қарши олинди. Унда муаллиф томонидан танқид қисмига жиддий эътибор қаратилмаганлиги ёки эмоцияга берилиши натижаси жуда салбий оқибатга олиб келганлигини гувоҳи бўламиз. Муаллиф жума кунини “муқаддас кун” сифатида унинг моҳияти, унда мусулмон аҳолиси қандай вазифаларни бажариши лозимлигига алоҳида тўхталади. Шу ўринда ўзга дин вакиллари, масалан, яҳудийларни “муқаддас кун”ларига муносабатларини, амалий фаолиятларини қиёсий солиштиради ва мусулмонлардаги камчиликларни кўрсатиб беради. Муаллиф шу каби камчиликларнинг бош ижрочилари сифатида уламо ва бойларга ишора қилади: *“Чунончи боғларга чиқиб ўйнамоқ, қарта ўйнамоқ, уламо ва ағниё ва косибларимиз бори қорин тўйдирмоқ, бировларни мазаммат ва ғийбат қилмоқ, ҳосили ҳаммаси фисқ ва номашру’ ишларга саргардон ва оғишталикдан иборатдур”* [3; 2-б.].

Ҳамза Ҳакимзоданинг ушбу мақоласини кузатар эканмиз, унинг асосий мақсади жума кунининг моҳиятини, миллат турмуш тарзи учун фойдали эканлигини, ундан мақсадли сиёсий ва ижтимоий жараёнларда фойдаланишни таклиф этади. Унинг мақсади “миллий бирлик”ни юзага келтириш, иккинчидан жамиятни анъанавий яшаш тарзидан чиқариш ҳамда мазкур даврда ижтимоий ва сиёсий аҳамият касб этган “жамияти ҳайрия”га жалб этишдан иборат бўлган: *“бу байрам соясинда биз аввалги иттифоқ ва иттиходимизга янгилик ила этиша олурмиз. Бизлар миллий камчиликларимиз ўрнини тўлдирув учун энг улуғ бир кучга муҳтож эканмиз. Мумкин қадар бу дин улуғ байрамни олға суриб халқимизни тўпланувға, жамияти хайрияга мажбуриятсиз келувға, ваъз тинглатув...”* [3; 3-б.].

Шунингдек, мазкур мақолада биз адаптация / мослашиш усулини кўраимиз. Бир тарафидан жамиятга янги ғояларни исломий омиллар орқали мослаштиряпти, иккинчи тарафдан ёт ғояни исломий шакл ва мазмунга ўзгартириш орқали сингдирилган. Демак, ҳар икки бир-бирига қарама-қарши келган тарафларни исломий/диний мазмун бериш орқали боғламоқда. Масалан, Раҳимжон ҳожи Турсун Муҳаммад ўғлининг *“Ҳақиқатга бир назар”* мақоласида юқорида таъкидланган “хуррият” ғоясидаги мазмун-моҳиятни ёритишни муаллиф мақсад қилган. Мақолада муаллиф танқидга ҳам алоҳида ўрин

ажратади: “озодлик..- золим зулмига, фосиқ фисқига, ўғри ўғриликка хомир хомирликка... эмас, буларнинг барчаси манҳиёти шарианинг ижро қилувчилар” [3; 4-б.] (яъни, ислом шариати ман этган ишларни бажарувчилар) деб баҳолаб, хуррият асли кимларга берилганлигини таъсирли бир йўл билан қуйидагича кўрсатиб берган. У (яъни хуррият) “эски ҳукуматнинг тахт назоратига олингон ва нақдлар солингон, қонуни исломга зулм ва истибдод каби энг оғир юклар билан қадди ёй каби маънавий эгилган ёш ва қари, олим ва жоҳил (эр ва хотуна) хос ва авомга архамар роҳимин тарафидан этишгон ҳақиқий бир озодликдур” [3; 6-б.]. Мана шу ўринда муаллиф жуда эҳтиёткорлик билан, ҳатто қавс орасида эркак ва хотинга тенг равишда тегишли эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, мазкур “хуррият” бевосита “яратгувчи тарафидан тухфа этилган”, деган диний/исломий шакл бермоқда. Муаллиф шахсий фикрларини диний аргументлар орқали мустаҳкамлайди. Масалан, жамиятни бирлаштириш, ягона кучга айлантириш масаласига Қуръони каримдаги “Ол-имрон” сурасидан қуйидаги оятни аргумент сифатида қўллайди: “...وشاورهم فى الأمر...” (“улар билан кенгашиб иш қилинг”) [6; 71-б.]. Бироқ муаллиф қўллаган мазкур далил шаклан қанчалик мос келмасин, оятнинг тўла мазмуни билан қиёсласак, умуман ўзга воқеа ҳодиса сабабли нозил бўлганлигини кўрамиз.

Муаллиф мақолани “Яшасин янги давлат, яшасин хуррият, яшасин ёшлар!» каби урфга айланган шиорлар билан якунлаган. Ҳар ҳолда янги ғоялар, унинг моҳияти қандай бўлишидан қатъий назар ёшлар орасида урфга айланганини кўрсатади. Большевикларнинг мазкур “ялтироқ ғоялари”га ёшлар томонидан биринчидан унга қизиқ, иккинчидан ишонч ва катта умидни пайдо бўлишига сабаб бўлганлигини кўрамиз.

Журналнинг навбатдаги “Исломият ва хуррият” [3; 10-б.] номли мақолада “хуррият” атамаси, унинг қўлланилиши ва жамият турмуш тарзида амалий татбиқ этилиши натижасига ишора қилади. Мақола сўнггида муаллиф усталик билан арабларнинг бутун катта кучга эга бўлиши: “Исломият ва андаги хуррият, мусовот ва адолатдан нашъат қиладур”, деб қолган ғояларни ҳам ислом тарихи билан боғлайди.

Баъзи муаллифлар ўзга халқлар билан ўзаро ҳамжиҳатликни, устувор жиҳатларни қабул қилиш таклифларини ҳам билдирган. Навбатдаги мақолада муаллиф – М.Х. айнан юқоридаги муаммони бартараф этишга тўхталади. У *нафсоният, манманлик, бадгумонлик* каби иллатлар мусулмонлар ўртасида ажралишга сабаб бўлаётганини таъкидлайди. Ушбу иллатларни тарк этиш, татар ислоҳотчилари ва маҳаллий уламолар ўртасидаги муносабатни яхшилаш, улар олиб бораётган ислоҳотларга қўшилиш заруратини турли далиллар орқали кўрсатади.

Муаллиф кавказлик ва татарлар “Иттиҳоди ислом” жамияти ташкил этаётганликлари ва бу ташкилот ўз атрофига мусулмон миллатлари вакилларини жамлаб, мусулмонлар манфаатини янги ҳукумат олдида илгари суриши мумкинлигини баён қилади. Уларга бирлашиш мазкур куннинг энг долзарб аҳамиятли воқеаси эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, ушбу кун моҳиятини муқаддас *лайлат ул-қадир* кечасига тенглаштиради. Ўз фикрини Қуръон оятларидан келтирилган далил билан тўлдирган: “*Ҳаммангиз Аллоҳнинг арконини маҳкам тутингиз*”. Муаллиф келтирган далил шаклан мос тушган бўлсада, унинг тўлиқ шакли кенг маънони англатади [5; 63-б.]. XX аср бошларида ҳам шахсий мулоҳазаларни Қуръон ояти ва ҳадислар орқали *таъвил* услубини қўллаш кенг тарқалган.

Ҳар ҳолда муаллиф ўз мақоласида янги ислохотчилик фаолиятларига диний/исломий шакл ва мазмун берган. Мана шу орқали айниқса маҳаллий уламолардаги кучли шубҳа ва қаршиликларни бартараф этишни ва янги ғояларга мослаштиришни мақсад қилган. Айнан шу мақолада муаллифнинг ўзи ҳам тан олиб диний масалаларда “ёшлар”нинг етарли даражада билимлари мавжуд эмаслигини таъкидлайди: “зиёлилар, ёшлар, фикрлиларимизда эса яна бул тўғрида қаноат қилурлик маълумотлари йўқ..”.

“Кенгаш”даги “*Эътизорга эътизор*” номли мақола ва унинг атрофидаги баҳслар Адиб Холид [9; 258-б.], Б.Дўқораев [2; 306-б.] каби тадқиқотчилар эътиборини тортган. Мазкур мақола ёзилишига икки омил таъсир этган. Биринчиси, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий “*Жума қандоқ кун*” мақоласи [3; 5-б] ўткир танқид, маҳаллий уламоларга нисбатан кескин танқидларни қўллаганлиги асосий сабаб бўлди. Шунинг оқибатида “Кенгаш” муҳаррирлигидан четлаштирилди ва у ўз фаолиятини “Хуррият” [7; 8-10-б.] номли янги журналда давом эттирди. Айнан мазкур журналнинг биринчи сониди “Кенгаш” журналидан кетиш сабабларини кўтаради [3; 8-б.]. Ҳамзанинг мана шу хатти-ҳаракатига “Кенгаш” журналида унга жавоб тарзида алоҳида мақола ёзилади.

Муаллиф Ҳакимжон Мирзохонзода “*Эътизорга эътизор*” мақоласида янги сиёсий жараёнларга, зиддиятли масала бўлган “Хуррият” ўзгача ёндашади. Унинг фикрича “хуррият” бу “*шаръи шарифга содиқ амалда туруб*” янги ҳукуматга кўмаклашишдир. Мазкур қисқа сатрларда, маҳаллий зиёлиларнинг келажакдаги янги давлат бошқаруви шаклан ва мазмунан ислом шариати ҳукмларига асосланган бўлишида кўришган. Русиядаги муваққат ҳукумат ваъда қилаётган *адолат* ва *хуррият* ғояларига асосланган ҳолда маҳаллий анъаналарга мос давлат қуриш борасидаги қатъий мақсадлар аксарият муаллифлар мақолаларида кўзга ташланади.

“Кенгаш” 3-сониди “*Ватандош диндошлар*” номли мақола келтирилади [3; 20-б.]. Муаллиф мақола мазмунини ўқувчига етказишда давр сиёсий ва ижтимоий жараёнларини образлар орқали етказишда унинг келтиришича, инқилобга қадар фаолият олиб борган Чор ҳукуматини улкан, лекин ичидан чириган дарахт тимсолидир. У инқилобга бардош бера олмади, унинг ўрнидан ёш ниҳол (яъни, янги ҳукумат) униб-ўсиб, келажакда ҳар бир миллатларга адолат ва хурриятни ваъда қилаётганлигини образ орқали ифодалайди. Муаллифнинг мазкур фикрлари ҳам юқоридаги муаллифлар мулоҳазаларининг узвий давоми, ҳар ҳолда янги шиорлар аксарият ёшларда катта умид ва орзуларни уйғонишига сабаб бўлган.

“Кенгаш” журналининг навбатдаги “*Тарихи салотини Фарғона*” номли мақолада муаллиф афсонавий “олтин бешик” воқеасига тўхталади. “Олтин бешик” воқеаси атрофидаги масалалар, унинг версиялари, диний-сиёсий легитимация масалалари борасида тадқиқотларда батафсил тўхталинган [1; 338-б.]. Иккинчидан унда “миллий ўзлик”, умуман миллат тушунчаси кенг ва чуқур ифодаланиши ҳам бежиз эмас эди. Айниқса, 1917 йил “февраль инқилоби” воқеалари Туркистоннинг сиёсий жиҳатдан мустақил давлат сифатида ажралиб чиқиши мумкинлигини намоён этар эди. Бошқа тарафдан “миллий ўзлик” ғоясини шакллантириш миллатнинг ўзга “ёт ғоялар”, асосан большевиклар ғояларидан ҳимояланишни таъминлар эди. Шу боисдан, муаллиф аудиторияни “миллий ўзликни англаш”га, турли ёт ғоялардан ҳимояланиш чақиради.

Журнал 4-соннинг илк мақоласи “Исломият монетъ таҳсил ва тараққий эмас” деб, номланади. Муаллиф – Т.М. (муаллиф номи аноним тарзда берилган) унда йирик баҳсли масалалардан бири – ислом дини жамият тараққиётга монетълик қилмаслиги, табиий фанлар ривожига тарафдори эканлигини исботлайди. Маълумки, муваққат ҳукумат даврида, келажакда Туркистонда давлат бошқаруви қай шакл ва мазмунда бўлиши борасида кўплаб тортишувлар жараёни эди. Улар орасида шариат ҳукмларига асосланган давлат бошқарувига нисбатан танқидий мулоҳазалар ҳам мавжуд бўлган. Муаллиф айнан мазкур фикрларга жавоб тарзида мақолани тайёрлаганлиги маълум. У шу каби танқидий фикрларга нисбатан қатъий, эътирозли жавобини баён қилади: “Яна ҳоли ҳозирда майдони интишорда бўлган табиий ва моддий мазҳабларини билиб ва аларга мазҳабларини рад ва ботил қиладурғон китоблар ўқимоқ лозимдур”. Мазкур фикр билан муаллиф мафкуравий бўшлиқни ўрнини миллий ва диний ғоялар билан тўлдириш лозимлигини, акс ҳолда “табиий ва моддий” (болшевиклар кўтараётган ғоялар) таъсирини ёшлар тушиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Муаллиф мадраса тизимида ўзига хос камчиликлар бўлганлигини, табиий фан соҳалари йўқлигини тан олади ва агар табиий фанларни ҳам “диний илмлардек англашилса, албатта бу фанларнинг жуда кўп ёрдами бўлишлиги бади хайрдур” деб, уларни жамият ривожига катта фойдаси борлигини таъкидлаб ўтади. Муаллиф нафақат масалага ечим топмоқда, шу билан бирга табиий фанларга оид дарсларнинг мадрасалар дарс жадвалидан чиқарилиши тарихий хато бўлганлигини турли диний далиллар билан исботлайди.

“Кенгаш”да ўқувчи онгини атрофлича ривожлантириш, нафақат диний билимлар, балки астрономия соҳасига доир бошланғич билимларни бериш, соғлом турмуш тарзига оид тушунчалар, ўтмиш тарихига оид маълумотлар берилган. “Фий улуми ҳайъат”, “100 сана яшамоқ учун”, “Тарихи салотини Фарғона” каби мақолалар шулар жумласидан.

Бизнинг фикримизча “Кенгаш” фаолиятига хотима қўйган, энг сўнгги мақола “21 май Наманганда” номи билан чоп этилди. Муаллиф мақола сўнггига – М.Ризо имзосини қўйган. Муаллиф мақоласида айнан ёшлар ва уламолар ўртасида юзага келган кескин зиддия ва унда ёшларга нисбатан оммавий тан жароҳати етказиш ҳаракати айнан уламолар томонидан олиб борилганлиги ва консерватив уламолар фаолиятини кескин танқид остига олган: “Аммо маълумотсиз, оламдан хабарсиз кишилар ўз кайфу сафолари ила машғул... Буларга на дини на миллати учун ҳеч нима керак эмас. Аларга ҳеч ким ҳеч нима демайду. Хоҳ улар шариатда ашад ҳаром бўлган хамир ичсун, қимор ўйнасун, ўғирлик қилуб кишини молини олиб ўлдурсун, зино қилсун, лавота қилсун, оғизларидан анвои қабоҳат сўзлар чиқсун аларга ҳеч таарруз ва танбеҳ ва такфир деган сўз йўқ...” [3; 13-б.]. Бевосита номлари ёки мансаблари баён қилинмаса-да танқидлар ким ҳақида кетаётгани маълум. Масалан: “мукаффир ва мулаъинлар халқни жомеъга еғиб” [3; 14-б.], деб уламоларнинг мутаассиб қисми жомеъ масжидига халқни йиғиб ёш ислохотчиларни диндан чиққанликларини эълон қилиниши воқеасига тўхталади.

Шу ерда яна бир қизиқ факт кўзга ташланади, уламолар жомеъда халққа мурожаат қилиб “мана бизнинг хурратдин мақсади аслиймиз орамиздин ёшларнинг йўқотурға ёки буларга бошқача жазо етқурурға ва ҳар муомалада булардин тортинурға мумкин бўлса маҳалладин қуварға, квартир ва дўконларда ижарада ўлтурган бўлса, албатта буларни андин хайдарға, масжидга киргизмаслик, ўлса мусулмон қабристонига

қўймасга...» [3; 15-б.] чақиради. Бу ерда хуррият атамасининг консерватив уламолар талқинида кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, “Кенгаш” журнали фаолияти кенг масштабда ва узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган лойиҳа бўлган дейиш мумкин. Унга бир қанча зарурий вазифалар қўйилган. Биринчиси – “янги ҳукумат ва жамият ўртасида шартли мослашиш”. Иккинчиси – “миллат тушунчасини шакллантириш”. Учинчиси – “Турон миллати турмуш тарзига ёд бўлган ғоялардан ҳимоялаш”. Тўртинчиси – “уламолар, ёш ислохотчилар ва жамиятнинг бошқа гуруҳлари ўртасида юзага келган ажралишни бартараф этиш”.

Маҳаллий уламолар ҳам сиёсий ўзгаришлар даврида юзага келган муаммоларни бартараф этиш борасида улкан вазифани ҳал этиш борасида жиддий баҳслар олиб боришгани, шу орқали Туркистоннинг келажакдаги тақдири шаклан ва мазмунан қандай бўлиши борасида ўз мулоҳазаларини билдиришганлиги “Кенгаш” журналидаги муҳим мақолаларнинг таҳлили орқали ҳам ўз аксини топади.

Гарчанд ХХ асрдаги ислохотчилик ҳаракати деганда тасаввуримизда “Жадидчилик ҳаракати” намоён бўлади. Бунинг сабаби эса, “Ислохотчилик ҳаракати” аксарият тадқиқотларда “Жадидчилик ҳаракати” номи остида ўрганилган ва тадқиқ қилинган. Бироқ, бу ном сиёсий ва ижтимоий атама сифатида 1910- йиллардан сўнг пайдо бўлган умумий ва ягона ислохотчилик ҳаракатининг бир қисмига берилган ҳамда совет мафқураси таъсирида “прогрессив, илғор курашчилар” сифатида кўп ҳолатларда сунъий равишда ажратилган. Шу жараёни табиий натижаси сифатида ва “синфий душман” излаш жараёнини таъсирида илк ислохотчиларнинг аксарияти мутлақо сунний равишда “қадимчилар”, “диний мутаассибчилар”, “қолоқ синф” ва шунга ўхшаш атамалар билан тарихдан ва тадқиқотлар доирасидан олиб ташланган. Ваҳоланки, мазкур “қадимчилар” томонидан матбуотда муҳокама қилинган ижтимоий, диний, иқтисодий масалаларнинг таҳлили юқори ва илмий даражада муҳокама этилиб, баъзи масалаларда эса мазкур “жадидчилар” эълон этган масалалардан ҳам анча юқори даражада бўлганлиги аниқланди (масалан, йирик саноатни ташкиллаштириш, уни юргизишни молиялаштириш, яъни ислоний банк системасини ривожлантириш, урф ва одатларни салбий таъсирини бартараф этиш, хусусий гигиенага эътибор бериш ва ҳ.к.).

XIX аср охирида ислохотчиларнинг дастлабки шаклланиши даври бўлган. Улар XX асрнинг биринчи ярмида қай тарзда қайта жонлангани қўлёзма, тошбосма услубидаги асарлар ва ўша даврнинг маҳаллий матбуот нашрлари орқали намоён бўлади. Мазкур манбалар ислохотчилик ҳаракатининг кам ўрганилган қирраларини аниқлашга хизмат қилади.

#### Адабиётлар / Литература / References:

1. Бабаджанов Б.М. Кокандские Ханство: власть, политика, религия. – Токио, Ташкент. – 744 с.
2. Дўсқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Ғофур Ғулом, 2009. – 378 б.
3. Кенгаш журнали, №1-4. Қўқон: “Муаллимлар жамияти”, 1917.
4. Қосимов Б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 461 б.

5. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (Таржима ва изоҳлар муаллифи: Абдулазиз Мансур). – Т., 2004. – 624 б.
6. Қуръони карим ўзбекча изоҳли таржима (Таржима ва изоҳлар муаллифи: Алоуддин Мансур). – Т.: Чўлпон, 1992. – 540 б.
7. Хуррият. №1. Қўқон. – 1917. – 32 б.
8. Dudoignon, Stéphane A. “Qadîmiya as a Historiographical Category: The Question of Social and Ideological Cleavages between ‘Reformists’ and ‘Traditionalists’ among the Muslims of Russia and Central Asia, in the Early 20th Century,” in Timur Kocaoglu, ed., *Türkistan’da Yenilik Hareketleri ve Devrimler, 1900–1924* (Haarlem: SOTA, 2001). – P. 159-78.
9. Khalid A. *O‘zbekiston tavalludi: ilk SSSR davrida millat, imperiya va inqilob*. – Т: Akademnashr, 2022. – 424 b.
10. Khalid A. *The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia*. Berkeley: University of California Press, 1998. – 400 p.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/7(3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).